
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-18 Pages: 159-166

Oriental Journal of Philology

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



GENESIS OF WRITTEN GENRES IN PRE-ISLAMIC LITERATURE OF THE ARABS

Feruza Sh. Djuraeva
Associate Professor, PhD in Philology
Department of Eastern languages
Oriental University
***Email**: fairuz.djuraeva@gmail.com*
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Arabs, literature, ancient, writing, pre-islamic society, bedouins, civilization,

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article is dedicated to the study of the first written genres of Arabic literature in the pre-Islamic period. The author presents scientific data on the use of kitabat in the daily life of Arabs in the days of Jahiliyya: in the preparation of various commercial documents and peace agreements and literary treatises were sent in oral form The author also puts forward the possibility that treatises existed in written form in the Jahiliyya period, based on a number of scientific assumptions.

АРАБЛАРНИНГ ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН АДАБИЁТИДА ЁЗМА ЖАНРЛАР ГЕНЕЗИСИ

Феруза Ш. Джураева
Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ориентал университети
Email: fairuz.djuraeva@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: араблар, китобат, қадим адабиёт, ёзув, исломдан аввалги жамият, бадавийлар, маданиятлашув,рисола.

Аннотация: Ушбу мақола исломдан аввалги даврлардаги араб адабиётининг илк ёзма жанрлари тадқиқига бағишланган. Мақолада муаллиф томонидан жоҳилия замонидаёқ араблар кундалик ҳаётида: турли тижорат ҳужжатлари ва сулҳ битимларини тузишда китобатдан фойдаланилгани, адабий рисолалар эса оғзаки шаклда юборилгани бўйича илмий маълумотлар тақдим қилинади. Муаллиф шунингдек, қатор илмий тахминларга

таянган ҳолда, жоҳилия замонида рисолалар ёзма шаклда ҳам мавжуд бўлгани эҳтимолини илгари суради.

ГЕНЕЗИС ПИСЬМЕННЫХ ЖАНРОВ В ДОИСЛАМСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ АРАБОВ

Феруза Ш. Джураева
Доцент, доктор философии по филологическим наукам (PhD)
Университет Ориентал
Email: fairuz.djuraeva@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: арабы, литература,древняя, письмо, доисламское общество, бедуины, цивилизация, рисала.

Аннотация: Статья посвящена изучению первых письменных жанров арабской литературы в доисламское время. Автор приводит научные данные об использовании письменности в повседневной жизни арабов в доисламскую эпоху: при составлении различных коммерческих документов и мирных договоров, а также при передаче литературных трактатов в устной форме. Автор также предполагает, основываясь на ряде научных предположений, возможность существования трактатов в письменной форме в доисламскую эпоху.

Кириш

“Исломгача давр араб насри эрамизнинг 500 - 622 йилларигача оғзаки анъаналар асосида сақланган адабиётдир. У тарих, генеалогияга асосланган кўнгилочар, енгил адабиёт бўлиб, ҳикоялар, афсона ва эртаклар, нутқлар, васфномалар, мақоллар ва ҳикматлардан иборат эди, у содда ва эркин эди.У авлодлардан авлодларга оғиздан - оғизга кўчиб етказилган. (Abu Bakkar Siddique, Mobarak Hussain, 2012, pp.103-105).

Арабларнинг исломгача даври адабиёти ҳақида ёзилган деярли ҳар бир маълумотда жоҳилия асридан бизгача етиб келган адабий мерос араб халқининг “ўз шонли ишларини, насл насабини абадийлаштиришга бўлган чексиз истаги” натижаси ўларок энг қадим замонлардаёқ ровийлар тилига тушиб нақл қилиниб етказилгани таъкидланади.

Бундай илмий таъкидлар, шубҳасиз, соҳа мутахассислари, араб қадим адабиёти билан яқиндан таниш илмий ҳамжамият аъзолари томонидан узоқ йиллик изланишлар натижасига кўра ўртага ташланган. Бироқ, охирги пайтларда турли мамлакатлардаги нуфузли кутубхоналарда сақланаётган қадимий арабий манбаларнинг рақамлаштирилиши ва омма фойдаланиши учун осон қилиб қўйилиши араб адабиёти тарихини аникроқ ва яққолроқ тасаввур этиш имконини юзага келтирди, оқибатда соҳа олимлари ва изланувчилар учун баъзи янги илмий фаразлар ёки хулосалар чиқаришга замин яратилди:

ўтган аср ва эҳтимол ундан аввалроқ чиқарилган баъзи илмий хулосалар ва фаразлар ўз долзарблигини қай маънодадир йўқота бошлади. Айни маънода, ўтган аср бошлари ва эҳтимол, ундан ҳам аввалроқ бошланган қадим араб адабиётини тадқиқ қилиш муаммоси ҳам бугун бир қадар янгича асослар ва илмий ёндошувларни ўз бошидан кечирмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Илк ўрта асрлар араб адабий насрини ўрганишда Ибн Абд Раббиҳи ал-Андалусийнинг (328/940) "Ал-иқд ал-фарид", ал-Қа'алининг (356/967) ва ал-Шариф ал-Муртада (436/1044)нинг "Амали" асарлари, Абул Фараж ал-Исфаҳонийнинг (363/972) "Китаб ал-ағани", Ибн Қутайбанинг (276/889) "Уйун ал-ахбар" ва "ал-Маъариф", ал-Мубарраднинг (285/898) "ал-Камил", Девонхона ишларини юритиш бўйича ёзилган ал-Қалқашандийнинг (821/1418) "Субҳ ал-аъша фии синаъат ал-инша'", Исҳоқ бин Иброҳим ал-Котибнинг (335/946) "ал-Бурҳан фи вужуҳ ал-байан" ва Абу Жаъфар ал-Наҳҳаснинг (338/950) "Умдат ал-катиб" кабилар жуда қизиқарли ва аҳамиятли манбалар ҳисобланади.

Аҳмад Закий Сафутнинг тўрт жилдлик "Жамҳарату расаил ал-араб" асари эса, илк ўрта асрлар араб ёзма насрий жанрлари ҳақидаги энг асосий манба ҳисобланади. Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, тарихий генетик, маданий тарихий ҳамда қиёсий таҳлил асосида ўрганилди.

Натижалар. Арабларнинг исломдан аввалги – жоҳилия даври насри айни даврнинг шеърияти соясида узоқ йиллар аҳамиятсиз ва олимлар эътиборидан четда қолиб келгани сир эмас. Араб адабиёти тарихига бағишланган кўплаб асарларда исломгача араб шеърияти - жоҳилия қасидаларига жуда кенг ва батафсил боблар, таърифлар ва таҳлиллар берилади, бироқ мазкур давр насрига ажратилган қисмлар кам ва қисқалиги қадим араб насрига илмий муносабатнинг деярли йўқлиги ёхуд бундай тадқиқотларга керакли даражада эътибор қаратилмаганини англатади.(Ал-Қалқашандий,Абу Аббос Аҳмад бин Али (1971), Субҳ ал-аъша, таҳқиқ Муҳаммад Ҳусайн Шамсуддин,Дар ал-кутуб ал-илмиййати, Байрут. Ал-Катиб, Исҳоқ бин Иброҳим, "ал-Бурҳан фи вужуҳ ал-байан" (1967), Бағдад, Ал-Наҳҳаас, Абу Жаъфар "Умдат ал-катиб"(2004), Байрут.)

Кўп ҳолларда илк ўрта асрлар араб насрига бундай "бемеҳрлик" наср ёзма шаклга ҳамда шеърдек қофия ва вазнга эга бўлмагани боис ёдлашга, нақл қилишга қийинчилик туғдиргани билан изоҳланади.

Араб адабиёти тарихига бағишланган ўрта аср араб манбаларида жоҳилия замонларидаёқ насрнинг бир қанча шаклларда халқ орасида айлангани ва машҳур бўлгани айтилади.Исломдан аввалги даврларга нисбат берилган наср кўринишлари ёзма шаклларда ҳам бўлгани, хусусан, арабларда китобат-ёзув асосидаги тавқиъот, расоил ва тарассул каби жанрлар энг қадим замонлардаёқ мавжуд бўлгани келтирилади.

Шу ўринда асосли бир савол туғилади: араблар жоҳилия замонларида ҳам ёзувдан хабардор бўлишганми?Агар шундай бўлса, араблар китобатдан қанчалик фойдаланишган?Араб адабиётининг исломдан аввалги даврларидаёқ ёзма наср мавжуд бўлган деган фаразга ўрин борми?

“Эранинг энг камида 1-минг йиллигидан бошлаб Арабистоннинг 3/2 қисми жануб ва шимолда жуда кўп сонли зиёли маданият - бемисл араб алифболаридан фойдаланган ҳолда гуллаганига гувоҳ бўлди. Бу ҳодиса нафақат ўтроқ аҳоли яшаш жойларида,балки ўтмиш даврларидан бошлаб ёзувдан самарали фойдаланиб келган саҳройи кўчманчилар ҳудудларида ҳам рўй берди.”(M.C.A.Macdonald(ed),(2010)The development of Arabic as a written language. p.5)

Арабларнинг энг қадимий хитобалари ва рисолаларини турли асрлар ва муаллифларга таалуқли манбалардан йиғиб, араб адабиёти тарихи учун қимматли мажмуалар яратган Аҳмад Закий Сафут ўзининг “Жамҳарату расаил ал - араб” 1-жилди кириш қисмида шундай ёзади: “ Биз бу ўринда арабларда китобатнинг пайдо бўлиши ва тарихи ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Арабларнинг бу даврдаги жамҳаратлари саҳровий бадавийча шаклда бўлганини англатмоқчимиз холос. Китобат мутлақо кенг тарқалмаган эди, шу боис? араблар ўзларининг ўзаро ёзишмаларида оғзакиликка таянишарди. Юбориладиган рисолаларини ўзлари танлаб олган энг ишончли кишилари орқали оғзаки жўнатишар эди, улар ўзларининг ишларини хотирада сақлашар ва уларни қалбларда муҳрлаб ёд олишар, кейин эса тилларга кўчириб юришар эди. Улар ўз жоҳилияларида китобатдан илм-фанларни йўқолиш ҳамда ўчиб кетиш хавфидан сақлаб қўйишлари лозимлиги даражасида шуғулланмаган эдилар.”(Safut A.Z.The collection of epistles of the arabs,(1938),p.14)

Ёки:”Таъкидлаш лозимки, жоҳилия араблари ёзувдан хабардор эмас эди, шу билан бирга баъзилар тасаввур қилганларидек, китобат - ёзув улардан камёб ҳам эмас эди. Араблар албатта ўзаро битимлари ва ишонч ҳужжатларини қайд этиб ёзишар, баъзи ҳолларда рисолалар ҳам ёзар эдилар. Ўша давр шоирлари ўз шеърларини ёзма шаклга солгандек туюладилар.Таъкидлаш жоизки, жоҳилиятда китобат машҳур эди, аммо хусусан бадавий араблар орасида одатий кундалик истеъмолда эмас эди.”(Farrux U.(1981), History of Arabic literature, p.38)

“Араблар исломдан бир қанча вақт аввал араб тилидаги ёзувдан фойдаланишган, бироқ улар фойдаланган ёзув, алифбони аниқлаш бу қийин муаммо.”(Beeston A.F.L., T .M. Johnstone T.M., R.B.Serjeant R.B, G.R.Smith G.R.,(1983), Arabic literature to the end of the umayyad period, p.114.)

“Эҳтимолки, ички Арабистон аҳолиси ўртасида, энг биринчи навбатда шаҳар марказларида, ўқиш ва ёзиш қобилияти истисно ҳолат бўлмаган; иқтисодий ҳаёт, аввало, олди - сотди бўйича рақамларни тўғри ҳисоб - китоб қилиш эҳтиёжини талаб қилувчи тижорат учун керакли маълумотлар ёзма қайд қилинмаганлигини тасаввур қилиш жуда қийин. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тижорат карвонлари айни даврларда ўнлаб ва юзлаб туяларга юкланган катта ҳажмдаги молларни олиб келар эди. Ушбу савдо молларига оид турли шаклдаги маълумотлар: уларнинг кўриниши, нархи, сони, сифати , эгаси, кирим ва чиқим харажатларини ёзма қайд этмай туриб, муваффақиятли савдо операциясини амалга ошириб бўлмас эди.” (Redkin O.I.(2012). Arabic script: before or after Islam?. p.115)

Тадқиқот доирасида арабларда исломдан аввал ёзув мавжуд бўлганми ёки йўқлиги борасида турли илмий тахминларга дуч келдик.

Исломгача бўлган даврларда арабларнинг ёзувдан хабардор бўлганликлари ҳамда ундан ўзларининг эҳтиёжлари юзасидан фойдаланганликлари ҳақидаги қатор илмий тахминлар орасида исломгача даврнинг жоҳилия асри деб номланиши юзасидан тадқиқотимизга бевосита алоқадор қуйидаги фикрлар ҳам диққатимизни тортди:

“Тарассул (ёзишмалар) ҳақида гапиришдан аввал, исломдан олдинги даврларга нисбатан қўлланилган “жаҳл, жоҳилия” сўзлари илм ва унинг тескариси бўлган жаҳолат маъносидаги сўздан келиб чиқмаганини, у фақат нодонлик, ғазаб, залолат, бут-санамларга эътиқод қилиш, низо-душманликларнинг кенг тарқалиши, кўп қон тўкилишига нисбатан қўлланилганини, унинг зидди ислом, яъни, Аллоҳ азза ва жаллага тоатда бўлиш ва бўйинсунишни англатишини билишимиз зарур.”(Dayf Sh.,(1963), History of Arabic literature, p.339)

Яъни, юқорида келтирилган барча олимлар жоҳилия араблари исломгача даврларда китобатдан фойдаланишганини, рисолалар ёзишгани фактини тасдиқлайдилар.

Исломгача даврларда араблар ҳаётида китобатдан хабардорлик ва ундан фойдаланишгани ҳақидаги илмий тахминларимиз юзасидан шубҳага ўрин қолмагач, айни давр адабиётида ёзма насрий жанрлар ҳам мавжуд бўлганлиги эҳтимоли юзасидан тахминларимизни асослашга жазм этдик.

“Араб хатининг(графикаси)шаклланиши эҳтимолки, бир пайтнинг ўзида иккита :лаҳмийлар ва ғассонийлар марказларида рўй берди”, “ Шимолий ва Марказий Арабистондан араб шоирлари кўчиб борган Ҳиродаги лаҳмийлар саройида , афтидан, араб ёзуви илк марта фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган ва ундан расмий ёзишмаларда фойдаланила бошланган.”(Большаков О. Г. История халифата. Т. 1. Ислам в Аравии 570-633., (1989), с. 24)

Ушбу иқтибос эгасига кўра, китобат- ёзув шоирларнинг кўчиб бориши билан боғлиқ. Бундан араб шоирларининг аксарияти сўз маҳоратидан юксак даражада хабардор бўлган хатиблар ҳам эканини ҳисобга олсак, жоҳилияда айни тоифа саводли бўлгани ва,табиийки, улар бу илмдан нафақат тижорат ёки сулҳ битимлари, балки ўз қасидаю хитобалари ёхуд рисолаларини кенг оммалаштиришда ҳам фойдаланишган бўлишлари эҳтимолга яқин.

Бундай фикрга келишимизга яна бир сабаб: Муҳаммад Вадиҳ Рашид Ал-Ҳуснийнинг " араб шеърияти китобат зикри билан тўла бўлган, дарҳақиқат уйларнинг чизмалари ёзма шаклда бўлиши-ёзувга ўхшашлиги китобатнинг кенг тарқалганини кўрсатади"(Al-Husni M.V.R.,(2009), History of pre-Islamic and Islamic Arabic Literature, p.147.)

"Исломгача бўлган араблар араб ҳарфлари билан ёзишни милодий аср бошидан аввалроқдан билишган ва бу араб ёзувида камида исломдан камида уч аср олдиндан ёзганлар.(Al-Asad N.,(1998), Sources of pre-Islamic poetry, p.107)

Жоҳилия даврларида арабларда китобат-ёзув бўлгани ва араблар ёзувдан хабардорликларини кўрсатувчи далил – исбот, бу жоҳилия асри намуналаридан келган шеърлар ва гапларда баъзи ёзувга алоқадорликни кўрсатувчи –"қалам", "дават" "мидад", "лавҳ" "суҳуф-саҳифалар", "кутуб -китоблар"сўзлардан фойдаланишдир. Жоҳилия араблари устига ёзиш учун қўллайдиган материаллар бир неча хил бўлган. Улардан масалан тери - الجلد, уни - الرَقّ (аъло навли қоғоз, пергамент) " الأديم" тери, القضيم (нам ўтказмайдиган қилиб ишланган қоғоз(пергамент) кабилар. Жоҳилия шоири Тарафа бин ал - Абд шеъридаги ушбу сатрлар унинг ёзувдан бохабарлигини кўрсатади. (Ojurlu J.,(2010), Tarasul in the Age of Ignorance and the Umayyads, https://www.diwanalarab.com/%D8%A7%D9%84%D8%AA%D8%B1%D8%B3%D9%84-%D9%81%D9%8A-%D8%A7%D9%84%D8%B9%D8%B5%D8%B1)

كسطور الرق رقَّشـه
بالضحى مُرقِّـشٌ يـَشِمُه

- Худди безаб бўялган ракқ(пергаментн) устидаги қаторлардекки, тонгги сабо ўзи бўяб расм солгандек.

Бу фикр ҳам жоҳилия шоирлари китобат ва унинг воситалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишгани эҳтимоли айни даврда арабларда расоил жанри ҳам мавжуд бўлганлиги факти ҳақида тахмин қилишга изн беради.

" Кимки адабиёт ёки тарихга оид китобларда жоҳилия асри ҳақидаги маълумотларни ўқиса, ўша даврда арабларнинг рисолалари кўп бўлганидан ҳайратланади, ва (ўқувчи) жоҳилиятда рисолалар ёзиш кўпгина ишларда кенг тарқалган, осон ва одатий иш эканига гувоҳ бўлади."(.(Al-Asad N.,(1998), Sources of pre-Islamic poetry, p.104.)

Шундай қилиб, араблар жоҳилиятда китобат ва тадвинни билишган ва уларда адабий бўлмаган рисолалар бор эди. Носируддин Ал - Асад каби Шавқий Дайф ҳам: Бизда жоҳилияда араблар бадиий рисола ёзишдан хабардор бўлганлари ва уни бир - бирларига юборганларини кўрсатувчи ҳаққоний жоҳилия ҳужжатлари йўқ, бироқ бундан мазкур даврда араблар китобатни асло билмаганлар деган маъно англашилмаслиги керак, уни албатта, билишган. Бироқ китобат воситалари қийин(чи)лиги ундан шеърий ва насрий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаган. Шундан сўнг улар китобатдан сиёсий ва тижорат мақсадларидагина фойдаланишган.(Dayf Sh.,(1960), The age of Ignorance, p.398)

Шавқий Дайф гарчанд жоҳилия асрида адабий рисолаларнинг мавжуд бўлганини тасдиқловчи далил - исботлар йўқолиб кетган бўлсада, улар (жоҳилия араблари)да турли мавзулардаги қиссалар, мақоллар, хитоба, коҳинлар сажи бўлгани айни ҳақиқат эканини таъкидлайди.

Рисола ҳам араб қадим насрининг бошқа жанрлари каби кўплаб тарихий даврларга тааллуқли адабий ёдгорликлар, қадим араблар ҳаётида машҳур бўлган қабила бошлиқларидан тортиб, халифалар ва уларнинг ноиблари ёки ишчилари орасида алмашинган ўзаро мактублар, ёхуд шунчаки нотиқ арабларнинг ўз яқинларига қолдирган насиҳат - хатларини ўз ичига олади.

Бундай рисолалар тарихий ёки биографик қийматдан ташқари бадиий эстетик канонларга ҳам бўйсунганки, уларни қадим араб насри нотиқлик жанрлари қаторига қўшиш ҳеч бир эътирозга сабаб бўлмайди.

Араблардаги рисола оғзаки хитобаларнинг ёзма, баъзан эса ёзмадек оғзаки ёдланиб хат олувчига етказилган.

Таъкидлаш жоизки, қадим Арабистонда китобат, ёзувдан хабардор бўлишгани; араблар геграфик жойлашув ҳудудига муносиб равишда қандай ёзувлардан фойдаланишгани юзасидан қатор илмий натижалар эълон қилинган ва ҳали ҳамон қазилма ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса. Исломдан аввалги даврларда Арабистоннинг турли ҳудудларида ёзув мавжуд бўлган. Ёзувдан кўпроқ тижорат операцияларини, қабилалар ўртасидаги ҳар хил мавзудаги битимларни, ишончномаларни қайд этиш мақсадида фойдаланилган.

Илк ўрта асрлар араб адабиётига оид илмий манбаларда жоҳилияда араблардаги рисола, мукатабат(ўзаро ёзишмалар)лар ҳақида маълумотлар учрайди, бироқ улар бизгача етиб келмаган. Жоҳилия шоирлари ижодида китобатнинг унсурлари: ёзув қуроллари ҳақида жуда кўп аниқ сўзлар учрайдики, бу жоҳилиядаги адаб аҳли ёзувдан кўпроқ хабардор бўлгани фактини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Dr.Abu Bakkar Siddique, Mobarak Hussain.(April 2016), Pre-islamic arabic prose literature & its growth.International education and research journal. E-ISSN No : 2454-9916 | Volume : 2 | Issue : 4 | pp.103-105.

2. Safut A.Z. (1937), The collection of the epistles of the arabs.Jamharatu rasail al-arab.From the library of the American university in Cairo.-608p.(in Arabic)

3. Macdonald(ed) M.C.A.,The development of Arabic as a written language.(2010),(Supplement to the Proceedings of the seminar for Arabian studies 40.)Oxford: Archaeopress,.pp.5-28. https://www.jstor.org/stable/41224041

4. Farrux U.(1981), History of Arabic literature.Ta’rixu al-adabi al-arabiyyi.V.1. -774p.(in Arabic)

5. Beeston A.F.L., T .M. Johnstone T.M., R.B.Serjeant R.B, G.R.Smith G.R.,Arabic literature to the end of the umayyad period,edited by A. F. L. Beeston, T .M. Johnstone, R.B.Serjeant and G.R.Smith ,Cambridge,London New York New Rochell Cambridge University Press, 1983, Library of Congress catalogue card number: 82-23528.

6. Redkin O.I.(2012). Arabic script: before or after Islam?. Arabskaya pismennost: do ili posle islama?. Vestnik SPbU. Ser. 13.Issue 2.-108-116p. (in Russian)

7. Dayf Sh.,(1963),History of Arabic literature,Ta’rixu al-adabi al-arabiyyi,Al-Qahiratu: Daru al-ma’arif.(in Arabic)

8. Bolshakov, O. G. (1989). History of the Caliphate: in 4 volumes. Islam in Arabia, 570–633. Bolshakov O. G. Istoriya xalifata. Islam v Aravii 570–633. Vol. 1. Moscow: Nauka. -312 p. (in Russian)

9. Al-Husni M.V.R.,(2009) History of pre-Islamic and Islamic Arabic Literature.Ta’rixu al-adab al-arabiyyi al-asri al-jahiliyyi va al-asri al-islamiyyi.Damascus,Publishing house: Daru Ibni Kasir,-156p.(in Arabic)

10. Al-Asad N.,(1998), Sources of pre-Islamic poetry. Masadiru al-shi’r al-jahiliyyi. Al-Qahiratu,Daru al-ma’arifi,-733p.(in Arabic)

11. Ojurlu J.,(2010), Tarasul in the Age of Ignorance and the Umayyads. Al-tarassul fi al-asri al-jahiliyyi va al-ummaviyyi. https://www.diwanalarab.com/%D8%A7%D9%84%D8%AA%D8%B1%D8%B3%D9%84-%D9%81%D9%8A-%D8%A7%D9%84%D8%B9%D8%B5%D8%B1).(in Arabic)

12. Nosirov O;,Yusupov M;, Muhiddinov M;, Rahmatullayev Yu;, Nishonov A.(2003). An –na’im.Arabic – uzbek dictionary. An –na’im. Arabcha –o‘zbekcha lug‘at. Tashkent: Abdullah Qodiriy Publishing House of People's Heritage. -959. (in Uzbek)

13. Dayf Sh,(1960),The age of Ignorance. Al-asr al-jahiliyyu. Al-Qahiratu,Daru al-ma’arifi .